O'ZBEKISTON ... INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 29 ноябр чоршанба

Сотувда эркин нархда № 240 (2537)

## Комиссия йиғилиши

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов бошқарди. Йиғилишда бюджетга тўловлар аҳволи ҳамда республика вазирликлари ва идораларининг ўзаро ҳисоб-китоблари масалалари кўриб чиқилди. Ҳукумат комиссияси йиғилишида қатор вазирликлар, идоралар, концернлар, компаниялар, уюшмалар ва тижорат банклари раҳбарлари иштирок этди.***

Бюджетга қарздорликни қисқартириш масаласи бўйича Давлат солиқ қўмитаси Раиси Б.Хўжаев ахбороти тингланди. Маърузачи таъкидлаганидек, ўтган давр мобайнида "Ўзбекнефтгаз" МХК, "Ўзқишлоқхўжаликмаш - холдинг" ХК, "Ўзавтотранс" ДК, "Ўздонмаҳсулот" ДК, "Ўзагромашсервис", "Ўзпахтасаноатсавдо", "Ўзенгилсаноат", "Ўзбектрансқурилиш", "Ёғмойтамакисаноат", "Ўзмонтажмахсусқурилиш" уюшмалари ва айрим бошқа вазирликлар ва идораларга тегишли ташкилотлар бюджетга тўловлар бўйича қарзларнинг ўсишига йўл қўйган. "Ўзбекенгилсаноат" тизимидаги идораларда тўлов интизомига риоя қилиш бўйича назоратни сусайтиргани учун уюшма раисининг ўринбосарига ҳайфсан эълон қилинди. Давлат бюджетининг тахминий кўрсаткичларини ижро этиш мақсадида комиссия бюджетга кўп миқдорда қарздорликка йўл қўйган вазирликлар ва идоралар бўйича жорий йилнинг охиригача қарзни тўлаш жадвалини ишлаб чиқиш вазифасини топширди.

Марказий банк раиси Ф.Муллажоновнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш масаласи хусусидаги чиқишида ўтган давр мобайнида республика корхоналари ва ташкилотлари бўйича ҳисоб-китоблар механизми такомиллаштирилгани туфайли муддати ўтказилган дебиторлик қарздорлигининг камайиши кузатилаётгани қайд этилди. Аммо айрим идоралар бўйича кўп миқдорда муддати ўтказилган дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги мавжуд.

Масалан, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва "Ўзкимёсаноат" уюшмаси корхоналарида ва бошқа айрим ташкилотларда тўлов интизомининг қониқарсиз аҳволда эканлиги кузатилмоқда. Шу муносабат билан ҳудудий комиссиялар, тижорат банклари, молия, солиқ ва статистика идораларига ягона молия ҳисоб-китоб кунларини ўтказиш вазифаси топширилди. Бундан кўзланган мақсад дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигини ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджетга тўловлар бўйича қарзларини камайтиришдан иборат. Комиссия баённомаси қарорида иқтисодиётнинг базавий соҳаларида солиққа тортиш масалаларини тартибга солувчи айрим меъёрий ҳужжатларга қўшимча ва тўлдиришлар киритилди.

Шунингдек, йиғилишда 2000 йилнинг III чораги бўйича бюджетга тўловлар тахминий кўрсаткичларини таъминлашга доир ишлар натижаси кўриб чиқилди. Комиссия раҳбарлар ва масъул шахсларнинг бюджетга тўловлар тахминий кўрсаткичларини ижро этиш бўйича масъулиятини кучайтириш ва уларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ солиқ, молия ва банк идоралари раҳбарларига нисбатан моддий рағбатлантириш ёки моддий жавобгарлик чораларини қўллаш ҳақида қарор қабул қилди.

Вазирликлар ва идоралар раҳбарларига тадбирлар мажмуини амалга ошириш ҳамда қарздорликни камайтириш бўйича тезкор чоралар кўриш вазифаси топширилди.

**(ЎзА)**



Кўкдумалоқ — иқтисоди бақувват, юқори ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган йирик корхоналар сирасига киради. Шу боис ҳам республикамизда ишлаб чиқарилаётган нефт ва газнинг асосий қисми мазкур иншоот ҳиссасига тўғри келади. Жамоанинг муваффақияти — меҳнат интизоми ва ижтимоий ҳимоянинг тўғри йўлга қўйилганидир. Моддий манфаатдорлик бор жойда эса иш унуми ҳам, сифати ҳам ортади.

**СУРАТДА: корхонанинг нефт ва газ конденцатини ишлаб чиқариш кони компрессорлар ишлатиш бўлими бошлиғи Сулаймон Бўронов қамалган газ ҳайдаш кони бошлиғи Шермат Шамсиев билан.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## Мамлакатимизда

*Янгиликлар, воқеалар, фактлар*

### Ўлмас санъаткор

***Ўзбекистон халқ артисти, давлат мукофотлари совриндори Олим Хўжаев номи XX аср ўзбек театри тарихи олтин саҳифаларига мангу ёзиб қўйилган. Иззат Султоннинг "Алишер Навоий" асарида Навоий, "Иймон"-да Комилов, Шиллернинг "Макр ва муҳаббат"ида Фердинант, "Қароқчилар"ида Карл Моор сингари образлар санъаткорнинг маҳорати нақадар юксак эканлигини кўрсатди. Ўзбек театри саҳнасида фожеавий қиёфалар яратишда Олим Хўжаевнинг ўз овози, йўналиши, услуби мавжудлиги миллий театримиз ижодий имкониятлари доирасини кенгайтирди.***

***Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театрида Олим Хўжаев таваллудининг тўқсон йиллигига бағишлаб ўтказилган хотира кечасида шулар ҳақида гап борди.***

***Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Мелибоев қатнашди.***

### «COSCOM» — Наманганда

***Мамлакатимиз уяли алоқа хизмати бозорида мавқеини тобора мустаҳкамлаб бораётган Ўзбек-Америка қўшма корхонаси — «COSCOM»нинг яна бир филиали Наманганда иш бошлади. Тармоқнинг базавий станциясини барпо этишга бир миллион долларга яқин маблағ сарфланди.***

***Дастлабки кунлардаёқ 600 нафарга яқин наманганликлар «COSCOM»нинг мижози бўлиш истагини билдиришди. Улар жаҳонга машҳур компаниянинг замонавий алоқа хизматидаги афзалликларни юқори баҳолашмоқда. Айниқса, дунёнинг 27 мамлакати билан бевосита боғлана олиш имконияти ишбилармон ва тадбиркорларга маъқул тушмоқда. 20 нафар ёш наманганликлар янги касб — уяли алоқа тармоғи мутахассиси бўлиб ишлашяпти.***

### Обидалар таянчи

***Навоий вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида 63 та тарихий-меъморий ёдгорлик мавжуд бўлиб, унинг кўпчилиги Кармана туманида жойлашган. Шу кунларда Қосим Шайх мажмуи, Мирзачорбоғ обидалари қайта таъмирланаётир. Ғазал мулкининг султони Навоий бобомиз таваллудининг 560 йиллиги муносабати билан ёдгорлик ўрнатилаётир. «Ёдгорлик» жамғармаси бу ишлар учун 100 миллион сўм маблағ ажратди.***

***Маданий меросимизни қайта тиклаш йўлидаги олийжаноб мақсадга мулкчилик шаклидан қатъий назар аксарият корхона, ташкилот, муассасалар ўз улушларини ажратмоқдалар.***

**•Олий Мажлисда**

## 50 минг нусха газета

### У Қорақалпоғистон учун кўпми ёки оз?

«Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги ҳамда «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Қонунлари Қорақалпоғистон Республикасида қандай ижро этилмоқда? Ноширлик фаолиятида қандай муаммолар мавжуд. Ютуқ ва камчиликлар нималардан иборат? Кеча Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитасида бўлиб ўтган йиғилишда ана шу масалалар таҳлил қилинди, таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди. Йиғилишни қўмита раиси Ў.Ҳошимов олиб борди.

Кўрилган масала юзасидан дастлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари Қ.Исмайилов ахборот берди.

Назорат-таҳлил жараёнида аниқланганидек, Қорақалпоғистон Республикасида айни пайтда қорақалпоқ, ўзбек, рус, қозоқ ва туркман тилларида жами 42 та даврий нашр — 33 та газета ва 9 та журнал чоп этилмоқда. Уларнинг 6 таси республика, 14 таси туман, 2 таси шаҳар ва 11 таси тармоқ газеталаридир. Республикада бундан ташқари «Қаракалпақстан» ва «Билим» нашриётлари фаолият кўрсатмоқда.

Республикада ўз йўли, анъаналари, ўқувчиларига эга бўлган даврий нашрлар анчагина. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, мустақилликка эришилганидан сўнг Қорақалпоғистонда даврий нашрларнинг сони янада кўпайди. Улар Қорақалпоғистоннинг бугунги иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутмоқда, ўлка тараққиёти ва муаммоларини кўтариб чиқаяпти. Лекин афсуски, газеталарнинг ялпи тиражи атиги 50 минг нусхага яқин. Бу бир ярим миллион атрофида аҳоли истиқомат қиладиган Қорақалпоғистон Республикаси учун жудаям кам. Хўш, унинг сабаблари нимада? Маълумотларга қараганда, бунга, асосан, маблағ етишмаслиги, таннархи ва обуна нархининг баландлиги, ўқувчилар ўртасида қизиқишларнинг сустлиги сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Телерадиокомпанияси ўлка ва мамлакат олдида турган муҳим вазифалардан келиб чиқиб фаолият кўрсатмоқда. Республика телевидениеси ўз телеканали орқали ҳар куни қорақалпоқ, ўзбек ва рус тилларида 5,5 соатлик телекўрсатувларни эфирга узатаяпти. Телекўрсатувларда Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин тўққиз йил мобайнида қўлга киритилган ютуқлар, халқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, уларнинг натижалари ва бу борада юзага келаётган муаммолар ўз аксини топмоқда. Лекин Қорақалпоғистон телевидениеси олдида ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, телевидение кўрсатувларини тайёрлаш ва эфирга узатиш техникаларининг аҳволи бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Шунингдек, студиялардаги видеокамералар, видеомонтаж ускуналари ҳам анча эскирган.

Йиғилишда сўзга чиққанлар туман ва шаҳар газеталарининг нашр этилиши сифатини бугунги кун талаблари даражасига кўтариш, биринчи навбатда, республика пойтахти атрофидаги туман, шаҳар ва тармоқ газеталарини Нукус шаҳрида жойлашган замонавий офсет усулидаги технология асосида чоп этишни йўлга қўйиш каби долзарб масалалар ҳақида гапирдилар.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

## Сешанба хабарлари

## Курраи заминда

*Янгиликлар, воқеалар, фактлар*

### Мори ҳукуматни ўзгартирмоқчи



***Мухолиф кучларнинг тазйиқларини бартараф этган Япония Бош вазири Иосиро Мори декабр ойида Вазирлар Маҳкамасининг таркибини ўзгартиришни режалаштирмоқда. Мухолифлар ҳукумат томонидан И. Морига нисбатан ишончсизлик билдирилишига уринган эди.***

***«Иомиури» газетасининг ёзишича, Иосиро Мори ҳукуматни қайта тузгани билан катта ўзгариш қилмайди. Масалан, молия вазири Киити Миядзавани ўз лавозимида сақлаб қолмоқчи. Чунки у, Японияда юз берган молиявий танглики бартараф қилишда самарали меҳнат қилмоқда.***



### Мухолифат Фухиморига қарши

***Перуда мамлакатнинг собиқ президенти А. Фухиморига мухолифат вакиллари уни юртга қайтиб, халқ олдида жавоб беришини талаб этмоқда. Уларнинг таъкидлашича, А. Фухимори ўз хоҳиши билан эмас, балки раҳбарлик қилишга маънан ожизлиги боис президентлик лавозимидан озод этилиши керак. Энди эса А. Фухимори Токиодан туриб ҳеч қандай коррупцияга аралашмаганлигини баён этди. У оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида Перуда ҳам, Сингапурда ҳам, Панама ва Японияда ҳам бирор бир ноқонуний ишларга аралашмаганлигини маълум қилди. Ҳозирда мамлакат армияси ва хавфсизлик хизмати тизимида тозалаш ишлари олиб борилмоқда.***

### Охирги сўзни ким айтади?

***АҚШда ҳали ҳам президентлик сайлови натижалари хусусида аниқ тўхтамга келинганича йўқ. Куни кеча Флорида штати Давлат котиби штат Олий суди қарорига мувофиқ, қайта ҳисобланган овозларнинг умумий натижасини эълон қилди. Унга кўра Ж.Буш 537 та кўп овоз билан рақиби А.Горни яна ортда қолдирган. Бироқ Оқ уй соҳиби ҳали расман тасдиқланмади. Флорида штати Давлат котиби берган ушбу баёнотни рад этаётган демократлар АҚШ Олий судининг якуний жавобини кутишларини маълум қилдилар. Уларнинг фикрича, Маямидед ва Полинбич сайлов округларида қонунбузарлик бўлган. Афтидан, демократлар ана шу икки округ овозларига қаттиқ умид боғлашган. Республикачи кичик Жорж Буш ўз ғалабасини очиқ эълон қилмоқда. Демократик А.Гор эса кеча Америка халқига қилган мурожаатномасида сайловда муҳими кимнинг ғалаба қозониши эмас, балки овозларни қайта санашни охирига етказишдадир, дея таъкидлади.***

**• Олий Мажлис IV сессияси олдидан**

## Қонунчилик ҳақида қонун

***Парламентимизнинг бўлажак сессияси кун тартибига «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда киритилмоқда. Табиийки, лойиҳа халқ муҳокамасига ҳавола этилгач, янада мукаммаллаштирилди. Қатор ўзгартиш ва тузатишлар киритилди. Мухбиримизнинг Олий Мажлис Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал САИДОВ билан қилган суҳбати ана шу жараёнлар хусусида бўлди.***

**— Акмал Холматович, хабарингиз бор, ушбу қонун лойиҳаси муҳокама жараёнида жуда катта баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди. Депутатлар ва кенг жамоатчилик томонидан қатор таклифлар билдирилди. Айтингчи, бу мазкур лойиҳа етарли даражада мукаммал тайёрланмаганлигини кўрсатмайдими?**

— Очиғи, фикрингизга қўшила олмайман. Тўғри, биз ҳам кўплаб таклифлар олдик, мулоҳазалар эшитдик. Лекин бу қонун лойиҳасини мукаммал тайёрланмаганлигини эмас, балки фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ошганлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам улар ушбу лойиҳага бефарқ қарамадилар. Энг муҳими, бугун ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини қонун асосида мустаҳкам ҳимоялаш зарурлиги ва эртага ана шу қонун асосида ишлашини, яшашини англаб етмоқда. Шундай экан, бунга табиий ҳол сифатида қараш лозим. Қолаверса, лойиҳанинг ҳаммага тушунарли тилда баён этилганлиги ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотган бўлса ажаб эмас.

Шу ўринда мазкур қонун лойиҳасининг тайёрланиши, муҳокамадан ўтказилиши жаҳон қонунчилигида ўзига хос янгилик бўлганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Негаки, ҳали бирор бир мамлакат парламенти томонидан бундай қонун қабул қилинмаган.

**— Эшитишимизча, ушбу қонун лойиҳаси Европа Иттифоқи экспертлари муҳокамасидан ҳам ўтибди...**

— Тўғри. Рости, қонун лойиҳаси жаҳон қонунчилигида янгилик бўлганлиги учун уларнинг ҳам эътиборларини тортди. Масалан, Европа Иттифоқи эксперти, Гамбург университети профессори, юридик фанлари доктори Отто Люхтерхандт томонидан қонун лойиҳасининг рус тилида тайёрланган, иккита боб ва 16 та моддадан иборат варианти Олий Мажлис қўмитасига тақдим этилди.

Шу билан бирга, Олий Мажлис депутатлари, қўмиталари ва комиссиялари, сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар блоклари, вазирлик, корхона ва ташкилотлар, фуқаролар, турли соҳа мутахассислари ҳамда таниқли олимлар томонидан қонун лойиҳаси бўйича 250 тага яқин таклиф ва мулоҳазалар тавсия этилди.

**(Давоми 2-бетда).**

## Шартномалар тузиш

**Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигида Бош вазир ўринбосари Р.Азимов раислигида кенгаш бўлиб ўтди. Унда вазирлик ва идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар раҳбарлари иштирокида 2001 йилда маҳсулот етказиб бериш бўйича хўжалик шартномаларини тузиш масалалари кўриб чиқилди.**

**Қайд этилганидек, республика бўйича 48,6 фоиз контрактация шартномалари тузилган. Бунда "Махсусқотишма" РБ, "Ўзбалиқ" корпорацияси, "Ўзирмаш", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзчармпойафзал", "Озиқовқатсаноат", "Ўзгўштсутсаноат", "Ўзсаноатқурилиш" уюшмалари ва бошқа ташкилотларда шартномалар тузиш суст олиб борилаётгани қайд этилди.**

**Шунингдек, ҳудудлар бўйича Бухоро, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида ишлар оқсаётгани таъкидланди.**

**Вазирликлар, идоралар, концернлар ва уюшмалар раҳбарларига шартномалар тузиш, шу жумладан экспорт қилиш бўйича шартномалар тузиш жараёнини жадаллаштириш, истеъмол товарларини сотиш бўйича шартномалар тузиш, шартномалар тузишни 2000 йилнинг 20 декабригача якунлаш учун уларнинг мониторингини ташкил этиш борасида тавсиялар берилди.**

**(ЎзА)**

**•Журналист суриштируви**







**Ер битта, даъвогар иккита. Уларнинг қай бири ҳақ?**

Ҳечам ажабланманг, гапимга ишонаверинг: бу нохушлик аллақайси олис-овлоқ гўшада эмас, билъакс пойтахти азим — Тошкентда рўй берди!

Ўшанда августнинг олтинчи санаси — якшанба куни эди. Соат миллари эрталабки еттига яқинлашиб қолганди. Салгина олдин йўлга чиққан «Т —150» русумли ҳайдов трактори аввалига адоғи кўпқаватли уйларга туташ экинзорлар чети бўйлаб жадал ўрмалади. Сўнгра илкис шаҳар томон бурилди. Кенг-равон асфальт кўчадан хийла юргач, Сирғали тумани ҳокимлиги биноси ортидаги чоғроққина дала пойида тўхтади. Енгил машиналарда ҳадаҳа етиб келган кишилар унинг атрофида бирров тўпланиб, нималарнидир маслаҳатлашишди. Кейин механизаторга «Бўла қол!» дегандай ишора қилишди. У итоаткорона бош ирғаб, тракторини қулупнай ва ерёнғоқ экилган пайкалга олиб кирди. Мўлжални жўякка ўнглаб, ерга пўлат тиғ ботирди. Басма-бас моторга газ берди...

Давоми тушунарли: мудом заҳмат чекиб, жимитдек уруғни чечакка айлантириш қийин. Дуркун сабза-ниҳолни топтаб, увол қилиш эса оппа-осон! Инчунун, боягина барқ уриб турган кўчатлар лаҳза сайин хоки сиёҳга қориша бошлади. Чой қайнагунчалик фурсат ичида ярим танобдан зиёдроқ майдон палахса-палахса шудгорга айланди.

**(Давоми 2,3-бетларда).**

**Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.**

• Янгича анъаналар

# Хўқанди латиф лутф этди

## кўҳна шаҳарда миллий қадриятлар, анъаналарни тиклашга алоҳида эътибор берияпти

**Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.**

Хўқанди латиф... лутфи карамли, файзли, латофатли, шоиру фуқаролар, олиму ақраболарга ватан бўлган юрт. Дунёда сифати қўшиб айтиладиган шаҳарлар бармоқ билан санарли... Маккаи Мукаррама, Мадинаи Мунаввара, Бухорои Шариф... Улар сирасида Хўқанди латиф ҳам бор.

Бу бежиз эмас. Мана неча замонларки, Хўқанди латиф нафақат Мовароуннаҳрнинг, бутун яқин Шарқнинг шеърият, назму наво, маънавият ва маърифат марказларидан бири бўлиб келди. «Қўқон адабий муҳити» деган атама миллий адабиётшуносликнинг кўнгил мулкига айланиб қолганига анча бўлди. Дилбар водийнинг бош дарвозаси бундай эъзозга, эҳтиромга арзирли шаҳар. Зотан тугаётган минг йилликнинг сўнгги икки асрида Қўқонда тақдири, ҳаёти ижод, шеърият, маърифат, маънавият билан гўзал кечган тўрт юздан зиёд иқтидор эгалари етишиб чиққанлиги бежиз эмас.

Юртимиз истиқлолга эришгач эса миллатнинг виждони, ор-номусига айланган ул муборак зотлар юзага чиқа бошлади. Тарихнинг залворли қатламлари орасидан силқиб чиқиб, нурдай балқий бошлашди. Зотан, Хўқанди Латифнинг бу ардоқли фарзандлари эндиликда қадр топа бошлади.

Куни кеча шаҳарнинг энг қадимий мавзеларидан бири Чорсу чорраҳасида бир кўркам боғ бунёд этилди. Она шаҳри армонида, олисларда кўз юмган маърифатпарвар шоир Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат номи билан атала бошланган шоирлар хиёбони айнан шу мавзеда бунёд этилганлиги бежиз эмас. Чорсу ўтган асрнинг бошларидан буён адибу шуароларнинг назму наво базми, ғазал оқшомлари мунтазам ўтказиладиган манзиллардан бири ҳисобланади. Бу ердаги чойхонада соҳиби даврон Амирий, Маҳмур, Муқимий, Завқий, Фурқат, Хазинийлар шеърият бонгини чалиб машварат уюштиришган бўлса, Моҳлар ойим номи билан аталгучи мадрасада Нодира-ю даврон, Увайсий, Маҳзуналар шеърият базмини уюштирганлар.

Бу буюкларга ватан бўлган шаҳар яна ўзининг суюкли фарзандларини бағрига олди. Бу иборани атайлаб ишлатяпмиз. Чунки янгидан тикланган боғда Қўқон заминидан етишиб чиқиб, башарият фарзандларига айланиб улгурган зотларнинг муборак номлари, фақат номлари эмас, сиймолари ҳам қайта тикланди. Боғнинг марказида азим чинорлар паноҳида шаҳарнинг 12 нафар буюк шоиру адибларига хотира ҳайкаллари бунёд этилди. Шоирлар салафини Умархон — Амирий бошлаб беради. Бу рамзийликда ҳам айрича ҳақиқат бор. Айнан Амирий салтанати даврида Қўқон адабий муҳити шакллана бошлади, атроф қишлоқлар, водийдаги бошқа шаҳарларда ижод қилаётган шоирлар, адиблар ҳам Қўқонга талпиниб кела бошлади. Хиёбонда Амирийга ёнма-ён қўшқанот бўлиб, вафодор ёри, Нодирабегим, Увайсийлар сиймоси гавдалантирилган. Сўнгра салафни Махмур, Усмон Носир, Чархий, Абдулла Қаҳҳор, Собир Абдуллалар давом эттиради. Хиёбон адоғидаги улкан лавҳда эса тақдири, ҳаёти, ижоди Қўқон шаҳри билан боғланиб кетган юзга яқин ижодкорларнинг муборак номлари зарҳал ҳарфлар билан ёзилган.

Ўтган шанба куни шу мемориал мажмуа — Шоирлар хиёбонининг очилишига бағишланган тантаналар умумшаҳар байрамига айланиб кетди. Юртимизнинг ардоқли адиблари, эл суйган шоирлари, маърифатпарвар ижодкорлари, адабиётшунос олимлар ташриф буюришди. Йиғилишни очган Қўқон шаҳар ҳокими Абдуҳаким Хўжаев, табрик нутқи сўзлаган вилоят ҳокими Алишер Отабоев, қўқонликларни ажиб саодатли гўша билан муборакбод этган Ўзбекистон Қаҳрамонлари Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, гўёки хиёбондагиларнинг театрлаштирилган сиймолари, уларнинг ғазалларига ижро этилган куй-қўшиқлар, «Қўқон адабий муҳити» ҳақида чиройли маъруза қилган олим Лазиз Қаюмов ҳамда «Қўқон ушшоғи»ни ажиб латофат билан ижро этган ёш мақомчиларнинг хонишларида мустақил юртга садоқат, фахр-ифтихор туйғулари, Юртбошимизнинг миллий қадриятларни, унутилаёзган анъаналарни тиклаш йўлида олиб бораётган хайрли ишларига миннатдорчилик ҳислари ярқ этиб балқиб турарди.

Буюклар сиймоси гавдаланган хиёбонда тантаналар боис яна бир мўъжазгина боғ барпо этилди. Қўқон фахри бўлган кексалар, ардоқли меҳмонлар кўчат ўтқазган боғ «яхшилик, гўзаллик, меҳр-муҳаббат, ижод боғи бўлиб қолсин», деб тилак билдирилди. Шаҳарда шу боққа монанд Муқимий, Нодирабегим боғлари ҳам бунёд бўляпти.

Тантаналарда сўз олган Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмаднинг дил сўзлари нафақат қўқонликларнинг, балки бутун водий аҳлининг кўнгил мулкига айланиб қолса не ажаб: «Қўқон —дилбар водийнинг олтин сандиғи. Унга калит солсанг, бутун водий жаранглайди. Бу жаранг боқий бўлсин!».

**Мақсуд ҚОРИЕВ**

• Миртемирнинг 90 йиллиги

# Нурли кунларни кўролмади у...

Ҳаёт — энг яхши устоз. Бебақо дунёнинг барча аччиқ-чучукларини бошидан кечирган нозиктабиат шоир, ажойиб устоз ва камтарин инсон Миртемир домла шу сўзни кўп такрорлар эди. Ёдимда, «Қизил Ўзбекистон»га янги ишга келган кезларимда газета саҳифасида «Ёзувчилар ижодхонаси» ташкил этганмиз. Унда дастлаб Ойбек, Ғафур Ғулом, Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Миртемир, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодировларнинг янги асарларини эълон қилган эдик. Кейин ёш ижодкорлар ижодидан намуналар бера бошладик. Ана шу берилган саҳифалар ичида талабчан, зукко шоиримиз Миртемир олиб келган шеърий гулдасталар, ён дафтардаги битиклар шундай пухта, шундай ҳаётий ёзилган эдики, шоир ижодининг камолот чўққиси деса бўларди. Миртемир домла газетага олиб келган шеърларини кўчириб туширишда ҳам, саҳифага терилиб чиққандан кейин ҳам уни синчковлик билан ўқиб, зеру-забарию, нуқта-вергулларини жойжойига қўйиб, баъзи бир таҳририй тузатишлар қиларди. То газетанинг контрол саҳифаси, «оқи» чиққандан кейин уни бир бор ўқиб, кўнгли жойига тушиб, хуфтонга яқин уйига қайтиб кетарди.

Ҳа, Миртемир домланинг шеъриятда ўз ўрни, ўз усули, ўз сўзи бор эди. «Заказ» билан, тезкорлик билан шеър битмасди. Коммунистик тузум даврида пахта мавзусида ёки ишчи синфи, колхозчи деҳқон ва бошқа замонавий мавзуларда шеър буюртма қилиш газеталарда одат тусига кирган эди. Бу «тепа»нинг топшириғи билан бўларди. Шундай пайтларда таҳририятдан қўнғироқ қилиб, бирор мавзуда шеър ёзиб беришни илтимос қилсак, Миртемир домла: «мен заказ билан шеър ёзмайман», деб жавоб берарди.

Миртемир ҳам Ғафур Ғулом, Шайхзода каби редакцияни ўзининг иккинчи уйи деб биларди. Баъзан шеър ёзмаса ҳам таҳририятимизга ташриф буюриб, адабиёт бўлимига, ўзининг қадрдон дўстлари ҳузурига тез-тез келиб турарди. Шу даргоҳга келиб ўз дарди-ҳасратини сўзлар, юрагини бўшатиб оларди. Эсимдан ҳеч чиқмайди, Миртемир ака таҳририятимизга келиб, камтарлик билан «Менга уй беришмоқчи эди, шаҳар Совети рўйхатдан ўчириб ташлабди», деб қолди. Газетанинг обрў-эътибори ва ўз депутатлик бурчимдан фойдаланиб, шаҳар Советига қўнғироқ қилдим:

— Миртемир дейсизми, ким ўзи, — деб қолишди.

— Наҳотки Миртемирни танимасангиз, эътиборли катта шоиримиз-ку. Уни бутун эл-юрт билади-ку? — дедим бироз овозимни баландлатиб. Хуллас, бизнинг аралашувимиз туфайли адиб уйли-жойли бўлди. У умрининг охирига қадар газетадан узилиб кетмади. Таҳририятимизнинг энг ҳурматли, азиз меҳмони эди. Унинг суҳбати ширин, фикрлари теран, истаган мавзуда сўзлашсангиз бўларди. Яна бир томони, Миртемир ўз мазмунли ҳаёти давомида кўплаб шеърлар, достонлар, қўшиқлар битди. Олтмишинчи йилларда яратган «Қорақалпоқ дафтари» шеърлар туркуми, «Сурат» достони ўзбек достончилигининг ҳақиқий намунаси деса бўлади. Шоирнинг «Мен сени... », «Чағалой», «Қирғизистон», «Махтумқули тўйида», «Онагинам», «Қозоғим», «Қайдадир булоқ» каби шеърлари Марказий Осиёда яшовчи қардош халқлар биродарлиги ғояларини тараннум этувчи дўстлик гулдасталаридир.

Шу билан бирга, Миртемир хорижий мамлакат ёзувчи-шоирларининг асарларини ўзбек тилига ўгиришда маҳорат намунасини кўрсатди. Буюк рус ёзувчилари Н. А. Некрасов, А. С. Пушкин шеърларини, Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон», Абай, Махтумқули, Бердақ асарларини ҳамда қирғиз халқ эпоси «Манас»ни ўрнига қўйиб, маҳорат билан ўзбек тилига таржима қилиб, катта саховатли иш қилдики, буни ҳеч қачон унутиш мумкин эмас.

Миртемир ёш ижодкорларнинг яқин дўсти, ҳамкори, устози эди. У ёш қаламкашларнинг газета, журналлар саҳифаларида босилиб чиққан янги асарлари, китобларини ўқиб, кузатиб борар, ўзининг самимий фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашарди. Ҳеч ёдимдан чиқмайди, менинг дастлабки ҳикояларим, «Ойдин кечалар» номли қиссам босилиб чиққанда «Сиз уюшмамизга аъзо бўлишингиз керак» деб менга кафолат ёзиб берган ҳам устоз Миртемир эди.

Миртемирнинг ҳаёт йўли анча мураккаб. Қувончли дамлар, машаққатли, ҳаяжонли кунлар адиб ҳаётининг асосий мазмунини, мундарижасини ташкил этади. Унинг ҳаётида шундай дамлар бўлганки, шоирни ноҳақдан қатағон этиб, кейин «коммунизм қурилишлари»га мажбурий ишлашга юборишган. Қайтиб келгандан кейин ҳам анча йиллар сиёсий таъқиб остида юрди. Адибнинг чўрткесарлиги, ҳақиқатгўйлиги, пала-партиш асарларнинг босилиб чиқилишига қаттиққўллик билан муносабатда бўлиши ўша вақтдаги казо-казоларга ёқмасди. «Билиб ёзсанг, юрагинг дури тўкилмас», дерди шоир камтарлик билан.



Оташқалб, хассос шоир, камтарин, олижаноб инсон Миртемир 1978 йил 25 январда вафот этди. Вафотидан сўнг, 1979 йилда унга «Тоғдай таянчим» деган шеърий тўплами учун Ҳамза номидаги давлат мукофоти берилди. Минг афсуслар бўлсинким, қалам аҳли учун бемалол, эркин ижод қиладиган нурли кунларни кўролмади у. Шу боис демоқчимизки, бир улкан шоир айтганидек, одамларни вафотидан сўнг минг бор мақтагандан кўра, тириклик чоғида уни авайлаб сақланг, қадрланг, азизлар.

**МИРТЕМИР**

## Чимилдиқ...

*Питпилдиқ... Питпилдиқ...*

* * *

*Тўрғайларнинг навосидан яйрар дашт,*
*Майналарнинг ўланидан ўзга гашт,*
*Юракларни зир титратар булбул ҳам,*
*Ошиқона, шўх бирам...*

*Бедазорлар қўшиқчиси бедана,*
*То саҳардан сайрашлиги недан-а?*
*Бедазорда бир дамлик васл излашур,*
*Ўз тилида сенлашур ё сизлашур,*

*Табиатнинг ўз эртаги, жумбоғи,*
*Ҳар жондорнинг ўз ишқи, ўз дўмбоғи,*
*Бир-бирини излар шайдо икки жон,*
*Зиғирдак жон, шайдолиги бир жаҳон.*

*Сайраб-сайраб топишар сув бўйида,*
*Кўкламнинг ҳам кўкаламзор тўйида*
*Мана ҳозир қуволашур, чўқишур,*
*Юмалашур, яна ўлан тўқишур.*
*Табиатнинг ўз шеваси, ҳикмати,*
*Ўз удуми, топқирлиги, дастхати —*
*Оқ ҳарирдан тутар ҳарир чимилдиқ...*

* * *

*Питпилдиқ... Питпилдиқ...*

## ЖУМБОҚ

***Хаёли паришон сайёҳ зажигалкасини йўқотиб қўйди. Унда фақат бир дона гугурт қолганди. У иккита йўл плиткасини, қўлчироқни ёқиши ва сигарет тутатиши керак эди. Айтингчи, сайёҳ биринчи навбатда нимани ёқиши керак?***

* * *

**Кечаги сонда берилган жумбоқнинг жавоби: биринчи тақсимчада 27 та ёнғоқ, иккинчисида — 25 та, учинчисида 18 та, тўртинчисида — 16 та ва охиргисида 14 та ёнғоқ бор.**

***Бу ҳақда таҳририятимизга биринчилардан бўлиб тошкентлик Лутфулла Йўлдошев, Бўстонлиқдан Нурлан Усмонов ҳамда Жиззахдан Нуржон Утегуловлар 136-35-60 телефони орқали хабар беришди.***

## «Ямаха» оҳанглари

Японияdagi машҳур «Ямаха» фирмасида ясалган пианиноларнинг жозибадор оҳанглари Глиэр номидаги республика мусиқа мактаб-интернатида ҳам янграй бошлади. Япониядан олиб келинган пианинолардан олтитаси мактаб-интернатга совға қилинди.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги саъй-ҳаракати билан болалар мусиқа даргоҳининг ўқув-моддий негизи мустаҳкамланиб бормоқда. Улкан мусиқа асбоби — органни ҳам келтириб ўрнатиш мўлжалланмоқда. Ушбу мусиқа асбоби «Баҳор» концерт залида намойиш қилиниб, мусиқа ихлосмандлари эътиборини ўзига тортган эди. Уни таъмирлаш ва тиклаш хусусида Чехиядаги фирмалардан бири билан келишиб олинди.

**Акбар АЛИЕВ.**

## Ҳадиси шариф дурдоналари

***Кимники савобли иш хурсанд қилса ва гуноҳли иш хафа қилса у мўминдир.***

* * *

***Сизларга қўшниларингизга яхшилик қилишни буюраман.***

* * *

***Ғазаби келганда уни босоладиган киши энг кучли одамдир.***

* * *

***Одамлар орасини бузадиган чақимчиликдан сақланинглар.***

* * *

***Ёлғон гапирманглар, чунки ёлғон гап иймонга зиддир.***

* * *

***Аллоҳга қасамки, мўмин мўминга зулм қилмайди, мабодо қилса, қиёмат куни Аллоҳ ундан ўч олади.***

# Хивада халқаро конференция

Мамлакатимизнинг қадимий ва навқирон шаҳрида, Европа Иттифоқининг «Биродарлашган шаҳарлар» лойиҳасига мувофиқ, бизнес ва туризмни ривожлантириш маркази очилди. Шу муносабат билан ўтказилган халқаро конференцияда Хива билан биродарлашган Даниянинг Струэ шаҳри вакиллари иштирок этишди.

Янги замонавий марказ тадбиркорларнинг халқаро алоқаларини кенг йўлга қўйиш, ташкилот ва корхоналарга консалтинг хизмати кўрсатиш, хорижий сармояларни жалб қилиш, чет элларда маҳаллий мутахассислар малакасини ошириш ишларига кўмаклашади. Унда хорижда билим ва малакаларини ошириб қайтган ёшлар ичимлик сувини тозалаш, туризмни ривожлантириш, туманнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва бошқа давр талаб масалалар бўйича чет эллик мутахассислар билан бирга фаолият кўрсатишади.

**Сотим АВАЗ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ**

2000 йил 12, 22, 29 декабр, 2001 йил 12, 26 январ кунлари

**КИМ ОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ**

САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ:

«РАФ-2203» 1986 й. и/ч, бошланғич нархи **641 985** сўм,
«МАЗ-5549» 1989 й. и/ч, бошланғич нархи **852 954** сўм,
«ГАЗ-31029» 1993 й. и/ч, бошланғич нархи **484 350** сўм,
«ГАЗ-2410» 1986 й. и/ч, бошланғич нархи **264 456** сўм,
«Ниссан-Максима» 1997 й. и/ч, бошланғич нархи 4 500 000 сўм.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, Сузук ота кўчасидаги қуриб битказилмаган уй-жой. Бошланғич нархи 3897274 сўм.

*Якка тартибда уй-жой қурувчилар учун мўлжалланган, Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Сирғали-14 мавзесида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0.04 га. бўлган ер майдонлари. Бошланғич нархи - 269 339 сўм.*

Ер майдонлари бўйича аризалар қабул қилиш савдо кунидан уч кун олдин тўхтатилади.

**Савдолар 10.00 бошланади.**

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ доимий равишда ўтказиладиган ким ошди, танлов, биржа савдоларига автотранспорт воситалари, уй-жойлар, бино ва иншоотлар, қурилиши тугалланмаган бинолар, корхоналарни савдога чиқаради.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 69-уй. Телефонлар: 144-44-72, 144-44-73.

3538

ЭЪЛОН

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ**

ФАҚАТГИНА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИР ҚУТИЛИ СТОЛ ВА КИТОБЛАР УЧУН ЖАВОНЛАР СОТИБ ОЛИШ УЧУН

**ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилар маълумот учун 20 кун мобайнида қуйидаги телефонлар бўйича мурожаат этишлари мумкин: 41-41-60, 144-83-65

3530

*Мухтарам хонимлар ва жаноблар!*

**«АСАКА» банки**

омонатларнинг

**"Истиқлол"**

тури бўйича аҳолидан маблағларни қабул қилиш муддатини узайтирди.

**Омонатни «Асака» банкининг истаган бўлимида очишингиз мумкин.**
**Омонат муддати - тўрт ой.**
**Омонатнинг энг кичик ҳажми - 500000 сўм**
**Унинг максимал миқдори чекланмаган.**

*Омонат бўйича ҳар ойда* **6%** *ёки йиллик* **72%** *миқдорида даромад тўланади.*

*«Асака» банки - омонатларингиз сақланиши ва кўпайишининг гаровидир.*

Маълумотлар учун телефонлар: 120-83-91, 120-83-92.

Манзилимиз: 700015, Тошкент ш., Нукус кўч., 67.

*Банк филиаллари - Нукус шаҳри ва барча вилоят марказларида.*

3537

**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ.

**Таҳрир ҳайъати:**

**Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
**М. ЕГОРОВ** (масъул котиб — «Народное слово»),
**Ш. ЖАББОРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
**С. ЗИНИН,**
**М. МИРАЛИМОВ,**
**С. МУҲИДДИНОВ,**
**Ш. РИЗАЕВ,**
**М. САФАРОВ,**
**Р. ФАРҲОДИЙ,**
**И. ХУДОЁРОВ,**
**И. ШОҒУЛОМОВ,**
**О. ҚАИПБЕРГЕНОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
**Ў. ҲОШИМОВ.**

**БЎЛИМЛАР:**

*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 133-78-92;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001**

Буюртма Г — 1015, 17797 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда оператор Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — М. САФАРОВ. Навбатчи — Б. ОСТОНАҚУЛОВ. Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.00*

1 2 3 4 5 6